



## БАҒРИМ — БАҲОРИМ

*Сени кўрмоқ — баҳор, ўйламоқ — баҳор,  
Музлар эригандай, кўзларимда ёш.  
Мен сени ўқотиб, бўламан абгор,  
Мен сенинг пойнигда гуллайман қийғос.*

*Дунёда қалб нима, юрак нимадир?  
У сенинг ҳуснингда ёнувчи чироқ.  
Гоҳ юрагимни нурга кўмадир,  
Гоҳ умримни нишонга олади фироқ.*

*Бунчалик тез ўтиб кетма баҳорим!  
Ҳаётнинг минг йили бир лаҳзадан кам.  
Бир лаҳза англайин сен билан борим,  
Майли бир лаҳзага ташлаб кетсин гам.*

*Сўнгра яна баҳор ... Балки дунёга,  
Минг йиллардан кейин келармиз такрор.  
Лаҳзалик умримни бурка зиёга,  
Эй, борлиги баҳор, эй, бағри баҳор!*

Муҳаммад ИСМОИЛ

Ушбу сонда

**ИСТИҚЛОЛНИНГ  
ҚОНУНЧИЛИК  
МАКТАБИ**

2 - бет

**«ХУҚУҚ» ДАН  
САБОҚЛАР**

6 - бет

**ТЕМИР  
«АЙФОҚЧИ»**

7 - бет

### ИСТИҚЛОЛ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

## “ХУҚУҚШУНОС БЎЛМОҚЧИМАН”

ХУҚУҚ фани бўйича Республика олимпиадасида қатнашиб, биринчи ўринни эгалладим. Голиблик менга шу йўналиш бўйича институтлардан бирига имтиҳонларсиз кириб ўқиш имконини берганидан гоҳ мамнунман. Мамлакатимиз пойтахтида энг нуфузли комиссия томонидан голиблик дипломини олганимда қанчалик қувонган бўлсам, Наманганга келиб яна қувончимга қувонч қўшилди.



Вилоят прокурори Ф.Барноев мени ва устозларимни вилоят прокуратурасига таклиф қилди ва эришилган муваффақият билан самимий кутлаб, эсдалик совғалар топширди. Гап совғада эмас, эътиборда. Мени ўқитиб, таълим берган, кечани кеча, кундузни кундуз демай олимпиадага тайёрлаган фидойи устозларим шаънига илиқ фикрлар айтилиб, меҳнатлари эътироф этилганидан бошим осмонга етди. Хуқуқ фани бўйича ўқитувчим Т.Ҳакимов, синф раҳбарим А.Иминов ҳам ўзларига кўрсатилган бу эътибор ва ҳурмат ҳар қандай муқофотдан юксак эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Мен истиқлол фарзандиман. Мустақиллик туфайли юзлаб акаларим ва опаларим энг ривожланган мамлакатларда тахсил олмоқдалар. Битириб келганлари эса нуфузли давлат идораларида масъул лавозимларда ишламоқдалар. Биз ёшлар истиқлол туфайли, юртбошимиз гамхўрлиги туфайли мана шундай бахтга мушарраф бўлдик.

Баркамол авлод тарбияси мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани биз учун жуда катта имкониятлар эшикларини очиб берди.

Энг муҳими, биз ёшларга давлатимиз раҳбари томонидан берилган эътибор, гамхўрлик туман, шаҳар ва вилоятларда ҳам ўз аксини топмоқда. Вилоят прокуратурасига таклиф этилганимиз ҳам ана шу эътиборнинг ёрқин далилидир. Прокуратура жамоаси қабулидан чиқиб қатъий бир қарорга келдим: мен хуқуқшунос бўламан. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, Ўзбекистоннинг келажақда буюк давлат бўлишига қонун ҳимоячиси сифатида ўз ҳиссамни қўшаман.

Улуғбек ХУСАИНОВ,

Наманган туманидаги иқтисодий-юримдик лицейнинг 11- синф ўқувчиси, Республика олимпиадаси голиби

### ТАДБИР

## ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

КЕЧА Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиди Тошкент шаҳар прокуратураси ташаббуси билан “Огоҳлик — давр талаби” мавзусида талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни университетнинг биринчи проректори Р. Муртазоева кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда мамлакатимиз ёшларининг хуқуқий маданиятини шакллантириш борасида муҳим тadbирлар амалга оширилётгани, бу жараёндан университет жамоаси ҳам четда қолмаётганини таъкидлаб, бироқ ҳали кутилган натижаларга эришилмаётганлигини, ҳамон талабалар орасида хуқуқбузарлик ҳолатлари мавжудлигига эътиборни қаратди. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишларни амалга оширишда прокуратура ва хуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш тўғрисидаги ўз таклифларини ўртага ташлади.

Шунингдек, Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари М.Солихов учрашув иштирокчиларини “Ешлик” талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги қонунчилиқнинг бугунги аҳоли, жиноятчилиқнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган ҳолат ва шарт-шароитлар тўғрисида воқиф эйтиб, ёшларнинг хуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз.)





# МАКТАБИ

**ди, ўзига хос ҳуқуқий асослар яратилди. Шу ҳақда фикрларингиз?**

— Илгари ҳам қонун чиқарувчи олий орган мавжуд бўлса-да, Ўзбекистонда қонунчилик мактаби мавжуд эмас эди. Қонунлар Москвада тайёрланиб, Ўзбекистонда қабул қилинар эди. Уларнинг ҳеч бири миллий хусусиятлар ва қадриятларни ўзида акс эттирмаган.

Ўзбекистонда қонунчилик мактаби мустақилликка эришилгандан кейингина шакллана бошлади. Дастлабки йилларда қонуларни тайёрлаш ва қабул қилишда камчиликларга йўл қўйилган бўлиши табиийдир. Ҳозирда айтиш мумкинки, Ўзбекистонда қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишда катта тажриба орттирилди. "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада олиб бориладиган ишларга ҳуқуқий пойдевор бўлди, десак янглишмаймиз.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган қонунлар бир неча марта ўқидан ўтказилиши, уларнинг лойиҳалари биринчи ўқишда маъқулангандан кейин оммавий ахборот воситалари орқали эълонқилиниб, умумхалқ муҳокамасидан ўтиши, ҳар бир лойиҳа юзасидан кенг жамоатчилик фикри эътиборга олиниши ва қонун лойиҳалари маърағида етказилганидан сўнггина қабул қилиниши лозимлигини айтиб ўтган эди.

**Олий Мажлисида бошқа давлатларнинг парламентларидан фарқли равишда ҳар бир қонун лойиҳаси кўмиталарда, фракцияларда, блокларда сессияга қадар бир неча бор муҳокама қилинади.**

ишлаб чиқилиб, тегишли экспертизадан ўтказилгандан кейингина Олий Мажлиснинг тегишли кўмиталарига тақдим этилади. Кўмиталарда ҳар бир қонун лойиҳаси мутахассислар, олимлар жалб этилган ишчи гуруҳларда қайта ишланиб, ҳар бир моддаси бир неча бор муҳокамадан ўтказилади ва эътиборга лойиҳа тақлифлар олиниб, Олий Мажлис сессиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилмоқда.

Баъзан Олий Мажлис сессиясида қонун лойиҳалари танқид қилинмайди, деган фикрларни ҳам эшитиб қоламиз. Лекин бундай фикрдагилар бир нарсани эътиборга олишмайди, Олий Мажлисида бошқа давлатларнинг парламентларидан фарқли равишда ҳар бир қонун лойиҳаси кўмиталарда, фракцияларда, блокларда сессияга қадар бир неча бор муҳокама қилиниб, турлигандан турли мунозарали масалалар шу ернинг ўзига ҳал қилинишига эришилади.

**— Қонунчилик мактаби ҳақида гапириб ўтдингиз. Бу борада яна қандай ишларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайсиз?**

— Шунингдек, айтаётган керакки, илгари Ўзбекистонда қонунни ишлаб чиқиш техникаси бўйича мутахассислар етарли эмас эди. Мана ҳозир Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолияти бўйича бир неча номзодлик, докторлик диссертациялари ёқланди. Назаримда, бу диссертациялар билан биргаликда қонунчилик жараёнини кенгрок ёритиб, халқ оmmasига етказишимиз ва уларни бундан кўпроқ хабардор этишимиз лозим. Шунданга фуқаролардан кўпроқ тақлифлар, мулоҳазалар келди, уларнинг фикрлари олинади. Бунинг ўзи қонуннинг янада мукамаллигини таъминлайди. Иккинчи масала — ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юрталарида қонунчилик фаолиятини ўргатуви фанлар чуқурроқ ўргатилиши керак. Ана шунданга биз ўз олдимишга кўйган мақсадимизга эриша оламиз.

Сўхбатдош: **Дониёр ХАЛИЛОВ**

Мамлакатимизнинг буюк келажак қуриш йўлида эришяётган ютуқлари, амалга оширяётган бетакрор ишлари ортида жонқуяр юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатлари ётганлиги сир эмас. Ана шундай инсонлар тимсолида истиқлол қаҳрамонлари дунёга келмоқда. Бугун биз мустақиллик кашф этган қаҳрамонлардан бири билан бўлган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

**Мавлуда Исмаилова — пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 273-лицей мактаб директори. Умрининг асосий қисмини мураббийлик касбига бахш этган Мавлуда опа Президентимизнинг фармонига биноан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган.**

**— Таълим соҳасидаги ўзгаришлар, ёш авлод тарбиясига бўлган эътибор ҳаётичилигини ҳар бир нуқтаи назарда намойиш бўлмоқда. Айниқса, мураббийлар кўзи билан қараганда бу нарсаяққорлар намойиш бўлади. Шундай эмасми?**

— Аввало, эътироф этиш керакки, бугун мактабларда ўтиляётган дарсликлар давлат таълим стандартларига мос тарзда, изланувчанлик ва ижодкорлик асосида яратилган. Қолаверса, "Таълим тўғри-



## ҚАҲРАМОНЛИК МАСЪУЛИЯТИ

— Сир эмаски, таълим тизимида ҳамон муаммо бўлиб турган бир масала бор: яъни айрим қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасидаги тафовутлар ечимини топганича йўқ. Бу айниқса уларнинг моддий-техник таъминоти ва қишлоқ мактабларидан олий ўқув юрталарига қараётган ёшлар сонини таққослашда сезилиб қоляпти. Сизнингча, бу борада муваффақиятга эришиш учун қандай ишлар амалга ошириши лозим?

— Фикрингизга тўлалигича қўшилмайман. Масалан, ҳар йили ўтказилаётган "Йил ўқувчиси" кўрик-танловида иштирок этаётган вилоят ўқувчиларининг зукколиги, билимдонлиги ҳайбат аззоси сифатида мени лол қолдиради. Шунингдек, фан олимпиадалари мусобақаларида энг юқори нати-

жаларга эришяётганлар орасида қишлоқ ўқувчилари ҳам бор. Уларга офарин дейиш керак, тан бериш лозим.

Мен бир нарсаяга диққатингизни тортмоқчиман. Вилоятдан келиб республика олимпиадасида иштирок этган қишлоқ боласи ота-онасига кўмаклашди, далага чиқди, бўш вақтида эса дарс тайёрлайди. Шунда ҳам танловда мана-ман деган шаҳарликларни ортида қолдиради. Ўзининг ўткирлигини кўрсатади. Бу ерда мен меҳнат билан билим олишнинг муҳасаммилгичи кўраман. Чунки энг яхши тарбиячи, менимча меҳнатдир. Меҳнатнинг қадрига етган бола келажакда фақат яхшиликка қараб интилади. Шунинг айтиш керакки, баъзи қишлоқда қолоқ мактаблар бўлгани сингари бундай мактаблар шаҳарда ҳам йўқ эмас. Ҳокими, педагоглар жамоаси болани севган ва унинг келажиги учун қайгурган туманда иш унумли бўлади.

**— "Ўзбекистон қаҳрамони" юксак унвонига сазовор бўлган инсон бугунги кун қаҳрамони қандай тасаввур этади?**

— Менга қолса, эндигина озодликнинг ўн йилини бошидан ўтказяётган мустақил диёримизнинг ҳар бир фуқаросини бугунги кун қаҳрамони, деб ҳисоблардим. Юртбошимиз "Биздан озод ва обод ватан қолсин" дея кўп такрорлайди. Ана шу шарафли вазифа бугун кимнинг гарданида? Замондошларимиз, Сиз билан бизнинг зиммамизда эмасми? Ҳар бир фуқаро ана шу шарафли, айни пайтда масъулиятли вазифани бажариш учун меҳнат қилмаётими?

Қадоқ қўллар билан оқ олтин яратяётган дехқонларимиз, эртанги кун давомчилари — ёшларимизга билим, тарбия бераётган мураббийларимиз, бир-бирдан гўзал иншоотлар барпо этаётган қурувчиларимиз том маънода бугуннинг қаҳрамонлари эмасми? Эртанги авлод биздан рози бўлиши бугунги кун кишиларининг фидокорона меҳнати, юртбошимиз таъбири билан айтганда "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш"ига боғлиқ. Ана шу ҳақиқатни англаган ҳар бир фуқаро, унга амал қилиб яшяётган ҳар бир шахсни чинакам қаҳрамон деб биламан.

Сўхбатдош: **Ж. ШАРОФБОВ, «Хуқуқ» муҳбири**

## Моҳият

**Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, бола ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилган бўлади, бошқачароқ айтганда — у келажакни ҳам ҳимоя қилади.**

**В.ГЮГО, француз ёзувчиси**

## ТАШАББУС

# БОЛАГА МЕҲР КЕРАК



ГУЛИСТОН шаҳридаги 27-«Меҳрибонлик уйи»да бўлиб ўтган бу галги тадбир ҳар қачонгидан ҳаяжонлироқ ўтди. Гап шундаки, вилоят ва шаҳар прокуратуралари, Гулистон шаҳар ҳокимлиги ҳар бир ташкилот «Меҳрибонлик уйи»даги биттадан болани ўз оталиғига олиши ҳақида ташаббус билан чиққан, вилоят ҳокимлиги ушбу ташаббусни маъқуллаб, тегишли қарор қабул

даги «Вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор ижросига жавобан бошланган бу хайрли ташаббусимиз республикаимиз бўйлаб қанот ёзса, ажабмас. Ҳар бир болага биттадан ташкилот бириктирилса, улар меҳрни, ғамхўрликни ҳис этадилар, энг муҳими, назоратсиз қолмайдилар. Оталик таш-

килот раҳбари болани ишхонасига олиб борса, ўз уйига тақлиф этиб, оиласи билан таништирса, унда жамиятга, одамларга нисбатан меҳр уйғонади, ҳурмат шаклланади.

Йигилиш қатнашчилари вилоят ҳокимининг ҳар битта болага биттадан оталиқ ташкилотини бириктириш тўғрисидаги қарори таништириб чиқилди. Шундай қилиб, Йигилиш сўнггида 98 нафар болага ҳомий ташкилот-



ларнинг совға-саломлари топширилди.

**Бахтиёр УТАНОВ, журналист. Ф. ТОШМАТОВ олган суратлар**

# ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТ — ХАЛҚ РИЗҚИГА ХИЁНАТ

**Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари чегараси кесишган "Даҳана" даштида 8-сонли "Оқтош" божхона маскани жойлашган. Маскан ходимлари мамлакатимиздан товармоддий бойликларни четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш учун кечаю кундуз сергак туришади.**

1999 йилнинг 26 майи. Тонгotar паллада Туркменистон Республикаси томон кетаётган "Зил-130" автопулови божхонага келиб тўхтади.

- Хўш, меҳмон, келишлар?
- Ўзбекистондан.
- Нималар олиб келаясиз?
- ...

Хайдовчининг мум тишлаб қолганидан шубҳаланган божхоначилар автопуловнинг юхонасини синчиклаб текшира бошладилар. Текширув бесамар кетмади.

Машина бортига юкланган қоплар кўп миқдордаги "Кичкинтой" болалар озуқаси билан тўлдирилганлиги аниқланди.

— Биродар, бу маҳсулотларнинг ҳужжатларини кўрсатсангиз? Нега елкангизни қисасиз? Еки ўгринча мол олиб кетаясизми?

Шундай қилиб туркменистонлик фуқаро И.Тошпўлатов ер чизиб қолди. Унинг айтишича, "Кичкинтой"ларни Шеробод туманидаги "Хўжаикон" ҳиссадорлик жамиятига қарашли ёрдамчи хўжалик сомонхонасидан олган экан.

Божхона ходимлари зудлик билан ушбу манзилга етиб келишди. Хайдовчи алдамаган экан. Сомонхонага ҳақиқатан ҳам 1104 қути "Кичкинтой" сут қуқуни яшириб қўйилган экан.

Бу билан ҳам қифояланмаган божхоначилар "қарвон" ишини охи-



## «ДАХАНА» ДАН ҚАЙТГАН «КИЧКИНТОЙ»ЛАР

ригача етказишга қарор қилдилар. Натижада Пашхурт қишлоғида яшовчи О.Қодировнинг ҳам бу ишга алоқадор эканлиги маълум бўлди. У афғон миллатига мансуб бир фуқаро билан жиноий тил бириктирган ва 7728 дон "Кичкинтой"ни "Даҳана" даштидаги айланма йўллар орқали Туркменистонга ўтказиш режасини тузган.

"Панада юрган панд ейди", де-

айланувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, саккиз йилга озодликдан маҳрум қилинди. Унинг барча молмулки ҳамда далилий ашё сифатида олинган 7728 дон "Кичкинтой" болалар озуқаси давлат фойдасига мусодара этилди.

**Ж. МАҲМАДИНОВ,**  
Шеробод туман прокурори

ганлар. Бу нақлини хаёлига ҳам келтирмаган О.Қодиров Термиз шаҳридан Пашхурт қишлоғида яшовчи онасининг уйига бир "КаМАЗ" "Кичкинтой"ларни олиб келади. Сўнгра ҳамқишлоғи Д.Турсунов билан "Хўжаикон" ҳиссадорлик жамиятининг ёрдамчи хўжалигига боради. Улар хўжалик ишчиси М.Қулбоевни "кичкинтой"ларга бир кунгина қараб туришга кўндиришади.

Шеробод туман суди И.Тошпўлатов ва бошқаларга нисбатан кўзғатилган жиноят ишини кўриб чиқди. Ҳақиқатан ҳам формуласини яратиб, бу хайллар билан юрган бу

## МАҲСУЛОТ ТАЙЁР БЎЛГАНДИ...

БИРОН танишингиз савдо-сотик билан шугулланиб, даромад қилганлигини айтса, унга ҳавасингиз келади. Сиз ҳам ўзингизча нимадир олиб сотмоқчи бўласиз. Уша танишингизга маслаҳат соласиз, у эса бунинг учун аввало рухсат олиш кераклигини ўқтиради. Бундан энсангиз қотади. "Олдин фойда олай, кейин рухсат сўрайман", дея қўл силтайсиз. Олдингизга қўйган мақсадингиз — фойда кўриш илнжизга арзонроқ учраб қолган "товар"ни олиб, уни пуллашга киришасиз ва...

Райимберди Мирзаев олий маълумотли шифокор. Тошкент Давлат педиатрия институтини битирган. Ишга чаққон йигитни институтнинг жаррохлик кафедрасида олиб қолишади. Илмий изланишлар йўлини танлаган йигит эса кўп ўтмай ишдан бўшаб, аспирантурага ўқишга кириди. Фан билан машғул бўла бошлади. Кейин у она юрти — Хоразмга келади. "Шаҳар кўрган" йигитнинг кўзига қишлоқдаги уйи андак фойдасизроқ кўринади. Шу сабаб у уйини таъмирлашга киришади. Яхши мақсадни кўзлаган йигит чўнтаги билан ҳисоблашмаган экан. Узоғини яқин қилиб турган "Жигули"сини сотишга мажбур бўлди. Машинанинг пули ҳам уйни таъмирлашга етмасди. Нима қилишни билмай боши қотган Райимберди наҳот йўли савдога деган тўхтамага келиб, бозорга тушди. Бозор талабини ўрганишга киришди.

— Ога, менда сода бор, — деб қолди ўзини тошқовузлиқман, деб таништирган йигит. — Кальцийланган сода. Ўзи харидоргиру, қотиб қолгани учун сотолмаяпман. Агар уни майдалаб, кўк рангли химикат қўшиб бозорга чиқарсангиз, 170 сўмдан сотишингиз мумкин. Сизга эса 150 дан бераман.

Райимберди ўйланиб қолди. Яхшигина фойда қилиш мумкин экан. Хуллас, таклифга рози бўлди.

— Манзилингни айтинг, юкни ўзим олиб бораман, — деди йигит. Келишувга мувофиқ туркменистонлик тижоратчи 1 миллион 5 минг сўм эвазига Райимбердига 6700 килограмм сода келтириб берди. Энди уни майдалаш лозим эди. Райимберди бу ишга яхшигина ҳақ тўлаш эвазига қўшнилари — Фарҳод ва Умрбекни жалб этди. Орадан уч кун ўтиб соданинг деярли ярми бозорга қириш учун тайёр бўлганди. Аммо шу маҳал Райимбердининг уйини "орган" ходимлари босишди.

Шундай қилиб, Р.Мирзаевга нисбатан ЖКнинг тегишли бандлари билан жиноят иши кўзғатилиб, у жиноий жавобгарликка тортилди. Қисқаси, қонунга бўйсунганини истамган йигит, қилмишига яраша қонун олдида жавоб берди.

**К. САЪДУЛЛАЕВ,**  
Хонка туман прокуратураси терговчиси

БОЗОР иқтисодиёти ўрта ва кичик бизнес, оддий олди-сотти ишлари билан шугулланувчи шахсларнинг қундалик фаолиятига ҳам кенг йўл очиб берди. Бозор муносабатларини анадда кенгайтириш мақсадида қабул қилинган қонунларга, тегишли идора ва муассасалар чикарган мезёрий ҳужжатларга риоя этган ҳар бир фуқаро савдо-сотик фаолияти билан эмин-эркин шугулланиб, ҳам оиласини тебратяпти, ҳам мамлакат хазинасининг бойишига ўз ҳиссасини қўшапти.

Аммо мавжуд қонун ва қоидаларни назар-писанд қилмайдиган, бозор иқтисодиётини ўз қаричи билан ўлчайдиган "тадбиркорлар" ҳам йўқ эмас. Беш панжасини озгига тикиб, бир қунда бой бўлиш истагидаги бундай одамлар жамиятимиздаги мавжуд тартибларни айланиб ўтишга ҳаракат қиладилар.

Бирок кўза қунда эмас, қунда синди, деганларидек, улар узокқа бора олмасликлари аниқ.

Хўш, улар ўз қилмишлари билан мавжуд қонунларни бузишга тганини билдиларми?

Ушбу саволга жавоб бериш мақсадида Навоий тумани судида кўриб чиқилган бир неча жиноят ишларига назар ташлаайлик. Улар деярли бир хил, жиноят ҳаракатлари ҳам, уларга берилган жазо ҳам.

... Гулбаҳор Худойбердиева 1976 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Муқаддам судланмаган. Юриш-ту-

риши, муомаласи бинойидек. Ҳали оила қурмаган. Ўрта маълумотли. Демак, саводи ҳам жойида. Қонун-қоидаларни жуда яхши билади. Лекин...

Навоий туманидаги "Бешрабат" ДАН масканида Бухородан Тошкентга келаётган автобус тўхтаиб текширилганда Г.Худойбердиеванинг сумқасидан 50 блок акциз

188-моддаси 2-қисми "б" бандига тегишли жиноят содир этганингни биласизми?

У, албатта, "йўқ" деб жавоб қайтарди. Тўғри, у қилаётган иши қонуннинг айнан қайси бандлари билан малакаланишини билмаслиги мумкин.

Лекин бундай қилиш қонунга зид эканлигини, бозорда сигарет со-

шахсий бизнес билан шугулланаётганини" айтди.

Сигаретфурушлик билан астойдил шугулланиб, ўзини жиноятга ҳеч бир алоқаси йўқ деб билган Қўки Бозоров 1927 йилда Самарқанд вилоятининг Каттакўрган туманида туғилган. 7 нафар фарзанди аллақачон овуға етган, ўзи давлатдан нафақа олувчи отахон 3280

1970 йил Навоий туманида туғилган Жисмурот Шарипов "шунчаки тирикчилик" қилиш учун Нукус шаҳар бозоридан Тошкентга олиб бориб сотиш учун 1 млн. 170 минг сўмлик "Pine", 375 минг сўмлик "Прима" харид қилган. Яна ўша акциз маркаси йўғидан. Унинг ҳам "тижорат сирини" Навоий вилояти ДАН ходимлари томонидан очиб ташланди.

Юқорида бундай тижоратчилар ўз ҳаракатлари билан мавжуд қонунларни бузишга тганини билишармикин, дея савол бергандик. Энди эса бемалол жавоб қайтаришимиз мумкин. Ҳа, улар жиноятга қўл уришга тганини жуда яхши билишган. Улар ўзлари таъкидлаганларидек "тирикчилик" туфайли бу ишга қўл урганлари йўқ. 100 минг, ярим миллион, ҳатто бир миллион сўмдан зиёд сармосига эга бу қонунбузарларнинг "бечора" эмасликларини суд ўз ҳукми билан тасдиқлаб берди.

Улар бу ишга энди қўл урмасликларини айтиб, кечирим сўрадилар. Суд буни ҳам инобатга олиб, нисбатан енгилроқ жазолар қўллашга ҳаракат қилди! Аммо уларнинг тавба-таазарулари самимиймикин? Буни вақт кўрсатади. Чунки енгил-елли пул топшига ўрганганлар ваъда беришга жуда уста бўладилар.

**Шавқиддин ЖАЛОЛОВ,**  
Навоий туман прокурори,  
1-даражали ҳуқуқшунос

## СИГАРЕТ ФУРУШЛАР

СУДАДА ЎЗ ҚИЛМИШЛАРИГА ИҚРОР БЎЛИБ, ҚАЙТА БУ ИШГА ҚЎЛ УРМАСЛИККА ВАЪДА БЕРДИЛАР

маркаси "Pine" сигарети чиққан. Табиийки, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилган. Тергов давомида ҳамда суд жараёнида Гулбаҳор ушбу сигаретларни Бухоро шаҳар бозоридан ўзи танимайдиган бир аёлдан сотиб олганини айтди. Мақсадини ҳам яшириб ўтирмади. Тошкент шаҳрига олиб бориб сотиб, мўмайгина фойда кўрмоқчи экан.

— Ушбу ҳаракатингиз билан ЖКнинг 186-1-моддаси, 1-қисми,

тиш, айниқса, акциз маркаси қўлмаган товарлар билан савдо қилиш мумкин эмаслигини у жуда яхши билади.

Ёки худди шу қуни, аини шу ДАН масканида акциз маркаси бўлмаган 500 қути "Pine" сигарети билан қўлга тушган ғиждувонлик Файбулло Ораевни олайлик. У ҳам сигареталарни Тошкентга олиб бориб пулламоқчи бўлган. Бу шахс ҳам дастлаб ўзини соддаликка солиб "жиноий иш содир этмаганини,

кути, яъни 524800 сўмлик (Каттакўрган бозори баҳосида) акциз маркаси "Родоли" сигаретини пуллаш учун олиб кетаётганида Навоий вилояти ДАН бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинган.

Ўзининг айтишига қараганда, отахон "тирикчилик важадан" шу ишга қўл урипти. Ярим миллион сўмдан зиёд жамғармаси бўлган қолганига" албатта суд ишонмади. Унга тегишли жазо берилди.



**ОК ХАЛАТГА ДОФ ТУШИРГАНЛАР**

“Саводсиз табиб жаллод шогирдидур, у тиф билан, бу заҳар билан азобловчидур...”

**Алишер НАВОИЙ**

“Бўрини бўрилиги учун эмас, қўйни еганлиги учун ўлдирадилар”. Бу — эл оғзидаги гап. Аммо адолатли жамиятда қонун одамни одамлиги учун эмас, кишиларга зиён-заҳмат етказгани, золим, қонхўр, товламачи, порахўр, ўғри бўлганлиги учун жазолайди. Исбот талаб қилмайдиган бу теоремадан гап нима ҳақида бораётганини англагандирсиз.

Ўтган йиллар мустақил мамлакатимизда том маънодаги ислохотлар даври бўлди. Деярли ҳар бир соҳада бурилиш ясалди. Жумладан соғлиқни сақлаш тизимида ҳам энги қонунлар чиқарилди, қарорлар қабул қилинди, давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Аммо ҳудди нур бор жойда соя бўлганидек, қонун бор жойда уни бузувчилар ҳам бўлади. Кимдир билиб, кимдир билмай қонун чегарасидан чиқиб кетади. Таассуфки, бизнинг хатимизга тушганлар иккинчи тоифага мансуб эмас.

Самарқанд вилоят прокуратураси идоралари “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун ижросини назорат қилиш мақсадида вилоятдаги бир қатор тиббиёт муассасаларида текширишлар ўтказди. Бунда асосий эътибор оналар ва болалар соғлиги муҳофазасига қаратилди.

Маълум бўлишича, даволаш масканларида ўз бурчларини унутган, қасамларига хиёнат қилиб, жиноятга қўл ураётган шифокорлар кам эмас экан.

Ўтган йили июнь ойида Иштихон марказий шифохонасининг туғуруқхонасида икки аёл врачлар айби билан бевақт оламдан ўтган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилганида туғуруқхона бошлиғи Г.Эргашева ҳамда врач-реаниматолог М.Бекназаровалар айбдор эканлиги аниқланган. Шу туғуруқхона бўлим мудирини Р.Холжигитов эса сунъий равишда ҳомила туширган ва бу бирор бир ҳужжатда қайд қилинмаган.

# ҚОНУНБУЗАР ТАБИБЛАР

Мамлакатимизда кейинги йилларда оналар ва болалар соғлиғига, соғлом авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Аммо вилоят тиббиёт тизимида айнан мана шу соҳада оқсашлар борлиги сезилиб қолмоқда. Биз XXI асрда яшаёмиз. Пастдаргом, Пахтачи ва Челек туманларидаги марказий шифохоналарда эса оддийгина ултра-товуш ускунаси йўқ. Оқибатда ҳомиладор аёлларни кўриқдан ўтказишда ибтидоий усул қўлланилмоқда.

2000 йилда вилоятда болалар ўлими илгариги йилларга нисбатан анча камайган. Аммо камайган, ҳоло. Вилоят болалар касаллигини ва ўлимига қарши кураш қўмитасининг қарорига асосан 129 ходимнинг интизомий жавобгарликка тортилгани ҳам шифокорлар ўз вазифасига қандай ёндаётганини кўрсатиб турибди.

Текширишлар шундан далolat берадики, нафақат шифокорлар, айрим шифохоналар ҳам бугуннинг талабига жавоб берамайди. Масалан, Сиёб туманидаги кўп тармоқли болалар клиникасининг патология бўлимида ювнинг учун сув йўқлиги боис стерилизациядан олдинги тозалаш ишлари қойдага хилоф равишда бўлимининг ўзида ўтказилмоқда. Дезинфекцияда ишлатиладиган ва биринчи ёрдам учун зарур бўлган дори-дармонлар етарли эмас.

Маълумки, ёз охири ва куз фаслида аҳоли ўртасида юқумли касалликлар кенг тарқалади. Бу борада вилоят ҳокимлигининг эпидемияга қарши кураш комиссияси самарали ишлаган дейиш мумкин. Комиссия 13 марта мажлис ўтказиб, тегишли қарорлар қабул қилган. Афсуски, мажлислар эпидемияни тўхтатолмас экан. Чунки юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун мутасадди бўлган баъзи раҳбарлар қурқ гапга эмас, “куруғи”га ишонадилар. Хайрли мақсадда ажратилган маблаг эса масъул жаноблар ўртасида хомталаш бўлган. Масалан, Л. Исаев номидаги тиббиёт паразитология илмий-текшириш институти бош ҳисобчиси М.Аҳмаджонова ҳамтовоклари билан 1999 йилнинг 1 мартиндан 2000 йилнинг 1 июнигача 136 миң 267 сўмлик маблагни ҳазм қилиб юборган. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли таъминот базасининг 2-омборхонаси бўлим мудирини О.Ҳажимов ва унинг ҳамтовоклари 18 миллион сўмдан ортиқ дори-дармон, тиббиёт жиҳозлари ва санитария анжомларини ўзлаштириб юборишган.

Каттақўрғон туман марказий шифохонаси бош ҳисобчиси И.Эргашев ҳамкасблари орасида энг олғирини экан. У тумандаги 10 та тиббиёт муассасаси ходимларининг 4 миллион 475 сўмлик иш ҳақини “еб” юборган.

Шунга ўхшаш ҳолатлар Боғишамол, Сиёб, Темирийўл, Нарпай, Жомбой, Булунғур, Пастдаргом туманларида ҳам аниқланган. 156 нафар тиббиёт ходими интизомий, 85 нафари маъмурий, 35 нафари эса моддий жавобгарликка тортилган. Қўпол қонун бузулиш ҳолатлари юзасидан 10 та жиноят иши қўзғатилган.

Халқ орасида касал — жоннинг ҳаракатида, табиб — пулниң ҳаракатида, деган гап юради. Юқоридаги маълумотлар бу гап бекорга айтилмаганлигини кўрсатиб турибди.

**Шомирза ХУДОЙҚУЛОВ,**  
Самарқанд вилоят прокуратурасининг  
умумий назорат бўлими бошлиғи

**ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ**



## БИЗНИ УМУМИЙ МАНФААТ БИРЛАШТИРСИН

— Ҳеч кимга сир эмас, давлатимиз ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган турли йўналишда ихтисослаштирилган адвокатураларни ташкил этиш тақозоси вужудга келди, — деб суҳбатимизни бошлади 2-сонли Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмаси раиси Александр Чернов. — Чунки фуқароларимиз қонун билан кўрикланадиган ўз манфаатлари ҳимоясини амалда таъминлашга, лозим ҳолатларда турли йўллар билан курашишга ўрганилмоқда. Назаримда мазкур ҳолатнинг ўзиёқ давлатимизда фуқаролик жамияти — ҳуқуқий демократик давлат сари дастлабки қадамлар ташланганлигидан дарак беради. Дарҳақиқат, 2-сон Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмасини ташкил этишдан қўзлаган бош мақсадимиз ҳам, давлатимиз томонидан жамиятимизда фуқароларнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини амалда таъминлаш учун юридик ва жисмоний шахсларга юридик хизмат кўрсатишга қаратилган. Уюшмамиз нисбатан ёш бўлиб, Тошкент шаҳар ҳокимияти Адлия бошқармасида 1999 йил сентябрь ойида рўйхатдан ўтган. Айна кунда уюшмамизда 30 дан зиёд мутахассис фаолият кўрсатиб келяпти.

— **Сиз раҳбарлик қилаётган уюшманинг асосий иш фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтсангиз. Унинг олдига қўйилган мақсадлар қай даражада урдаланмоқда?**

— Назаримда, бугунги кунда жиноят ишлари билан шугулланувчи адвокатларга талаб кўпроқ. Балки шу сабабданми, шу кунга қадар ҳайъатимизга мурожаат қилувчи фуқароларнинг аксариятини жиноят ишлари юзасидан ёрдам сўраб келувчилар ташкил қилади. Бемалол айта оламани, келганларнинг биронтаси мутахассисларимиз хизматидан норози бўлиб кетмаган. Айна кунларда уюшмамизнинг ҳуқуқий маслаҳат шахобчаларини ривожлантириш ва янгиларини ташкил этиш масаласини ҳал этаяп-

миз. Шаҳримиз аҳолисининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, маслаҳат ва хизмат шахобчаларимизни марказий туманларда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Кези келганда шуни таъкидлашим кераки, келувчиларнинг моддий ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олиб маслаҳат ва хизматларимизнинг нархини по-сайтирамиз, шунингдек, пен-сионер ва ногиронларга лозим бўлган юридик маслаҳат ва ёрдам белул кўрсатилади.

Жорий йилнинг шу даврига қадар адвокатларимиз 139 та жиний, 17 фуқаролик ва

дыяга суд жараёнида фақатгина ўзаро келишилган битим ҳақиқатдан ҳам ихтиёрий бўлганлигини тасдиқлаш қолади.

Жорий йилнинг 30-31 мартида апелляция суди масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияга республикамиздан суд, прокуратура ва адвокатура ходимлари таклиф бўлиб ўтди. Шунингдек, унда АҚШ, Буюк Британия ва Польша юристлари иштирок этишди.

Бугунги кунда давлатимиз юристларининг олдида турган долзарб масалалардан бири шуки, ривожланган давлатларнинг тажрибаларига таянган ҳолда қонунчилигимизни такомиллаштиришимиз, лозим ҳолатларда улардан фойдалана олишни ўрганишимиз керак. Яна шуни айтишни истардимки, сайланган маслаҳатчилар институ-

тини ташкил этишга киришишимиз керак. Бироқ бу ҳозирча мукамал вариант бўлмасда-да, одил судловни амалга оширишда инсоният топган энг мақбул йўл ҳисобланади.

— **Александр Андреевич, суҳбатимиз сўнгисида, сиз раҳбарлик қилаётган адвокатлар уюшмаси шу кунга қадар эришган ютуқлар, ишдаги муаммолар, қўзлаган режаларингиз тўғрисида гапириб берайсиз.**

— Саволингизга жавоб беришдан аввал, машҳур юрист А.Кони-нинг бир ибратли сўзини келтиришни истардим: “Адвокат — ўз миҳозининг хизматкори эмас ёки унга одил судлов тайинлайдиган ҳаққоний жазодан қутулиши учун ёрдамчи ҳам эмас. У ўзининг ҳақиқий ишончига кўра айбисиз ёки унга қўйилаётган айб даражасидан камроқ ёхуд бошқа айби мавжуд бўлган айбдорнинг дўсти, унинг маслаҳатчиси-дир”. Адвокат бу сўзларни ўз иш жараёнига татбиқ қила олганина у “адвокат” деган қутлуг номга сазовор бўлади. Чунки адвокат фуқароларнинг кейинги ҳаёти қил этилишида муҳим аҳамият касб этувчи шахслардан биридир. Мен ўзим тўғримида айтадиган бўлсам, турли кўринишдаги қоралардан фойдаланиш имкони бўлишига қарамасдан қандай бўлмасин, фақат айблагша йўналтирилган ҳаракатларга қарши бўлганман.

Ҳамиша бир нарса ни истаганман: прокуратура, суд, адвокатура, адлия органлари умуман олганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини амалда таъминлаш учун ташкил этилган органлар ҳисобланади. Шундай экан, улар умумий манфаат йўлида бир стол атрофида бирлашиши жуда лозим.

Ўзбек халқида бир нақл бор: “Бирлашган-ўзар”. Шундай экан, умумий муаммолардан қочмасдан, уларни биргаликда ҳал этиш бизга зарар келтирмайди\*\*.

**Акмал АБДУРАҲМОНОВ**

суҳбатлашди

**2-сонли Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмасининг манзили:**

**Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 158-уй. Мўлжал: “Ҳамза” метроси**

**Телефонлар: (8 - 371) 173-22-59, 78-40-95**

# «ХУКУК»дан сабоқлар

МУЛОҲАЗА

## ҲАМКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонулар товар-пул муносабатлари асосида фуқаролар, юридик шахслар, давлат, шу жумладан, хорижий фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида келиб чиқадиган мулквий ҳамда номулкий муносабатларни тартибга солуш. Шу билан биргаликда ушбу муносабатларга қиришувчи жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини гайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилади. Республикаимизнинг иқтисодий-иқтисодий, маънавий, маданий ривожланишини таъминлашга қаратилган қонуларни ҳурмат қилиш, уларга оғишмай риоя қилиш жамият олдига турган вазифаларни муваффақиятли бажаришимизга ёрдам беради. Қонун ва фармонларнинг ижроси эса, аввало жамият аъзоларининг мазкур қонуларни қанчалик даражада билишига боғлиқ.

Маълумки, жамиятнинг иқтисодий негизи мулкчилик муносабатларига асосланади. Мулквий муносабатлар эса шартнома асосида вужудга келади.

Шартнома тўлуғлиги Фуқаролик кодексининг 26-бобида батафсил таърифланган. Кодексининг 353-моддасида белгиланишича, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва буричларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув шартнома дейилади. 354-моддада эса шартнома тузиш эркин тарзда амалга оширилиши, шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги таъкидланган. Қонунда кўрсатилган айрим ҳолатлар эса бундан мустасно. Томонлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномаларни, турли шаклдаги бошқа шартномалар элементларини ўз ичига олган аралаш шартномаларни ҳам тузишлари мумкин. Кодексининг 355-моддасига кўра, шартнома ҳақ эвазига амалга оширилади. Қабул қилинган товарнинг, бажарилган ишнинг, кўрсатилган хизматнинг ҳақи тўлиниши керак. Базидда шартнома текинга ҳам тузилиши мумкин. Шартнома тузилган вақтдан бошлаб тарафлар учун бажарилишининг мажбурийлиги кодексининг 357-моддасида белгилаб қўйилган. Шунингдек, шартноманинг мuddати мажбурият бажарилгунга қадар давом этади. Шартнома мuddатининг тузгани эса тарафлари шартномани бугунлик учун жавобгарликдан озод қилмайди. Асосан, истеъмолчилар, фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида очик шартнома тузиш тартиби ҳам қўнунга киритилган. Бу шартнома воситасида бозор муносабатларида монополия ҳолатини эгаллаган тадбиркор томонидан қилинадиган ўзбўшимчилик, яққоқчилик ҳолатига мумкин қадар чек қўйилади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик соҳасидаги биргаликдаги фаолиятни ривожлантириш учун қўшилиш шартномаси ҳамда дастлабки шартномалар ҳам тузилиши мумкин. Кодексининг 26-27 ва 28-бобларида шартнома тузиш, унинг амал қилиши, уни ўзгартириш ҳамда бекор қилиш тартиблари берилган. Лекин сўнгги пайтларда тузилган шартномалар бажарилмасдан қолаётган ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Шартнома шартлари бажарилмасда, ўзгартирилмади ёки бекор қилинади. Бунда бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олгандан кейингина ёки таклифда қўрсатилган қонунда, ёйинки, шартномада белгиланган мuddатда, агар бундай мuddат бўлмаса, 30 кун ичида жавоб олгангандан кейин, бу ҳақда талабни судга тақдим этиши мумкин.

Ш. ШАРОФУДИНОВ,  
Тошкент Давлат юридик институтининг 3-хуқуқ факультети талабаси

## Зарарни ундиришга ҳаққим борми?

Мен заводда механик-электрик вазифасида ишлаб келардим. Бир кун иш вақтида кўзимга темир парчаси кириб, бир умрда кўришдан мажрум бўлиб қолдим. Маъмурият воқеани ўрганиб чиқиб, бахтсиз ҳодиса содир бўлганини ҳақида далолатнома тузди. ТМЭК хулосасига кўра, меҳнат қобилиятимни 50 фоиз йўқотган деб топилди. Ошам моддий жиҳатдан қийин аҳволда бўлганим, ёш болаларим борлиги ҳамда меҳнат қобилиятимни 50 фоизни йўқотганимга қарамастан ташкилот менга ўтган давр мобайнида кўрган зарарим учун бир сўм ҳам тўламади. Мен кўрган зарарни тўла миқдорда ундиришга ҳақлиманми? Т. ТУРСУНОВ,  
Тошкент вилояти

Тахририят ушбу саволга жавоб бериш баробарида, меҳнат жамоаларида бахтсиз ҳодиса содир бўлган тақдирда юзага келадиган ҳолатлар хусусида батафсил маълумот беришни лозим топди.

## МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ БЎЛИШИ ШАРТ

Амалдаги тегишли қонуларга мувофиқ барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шaroитлари яратилган бўлиши шарт. Бундай шaroитларни яратиш иш берувчининг мажбуриятларига киради. Қонун билан белгиланган мазкур талаб бузилган тақдирда, иш берувчи тегишли тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўз навбатида ходим ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш меъерларига, қоида ва йўриқномаларга, маъмуриятнинг ишни бехатар олиб бориш ҳақидаги тавсияларига риоя қилиши, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши, инсонлар ҳаёти ҳамда соғлиғига хавф соладиган ҳар қандай ҳолат ҳақида, шунингдек у иш жараёнида содир бўлган бахтсиз ҳодиса хусусида ўзининг бевосита раҳбарини хабардор этиши шарт.

Агар ходим хизмат вазифаларини бажарётган вақтда содир этилган бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиғига у ёки бу тарзда шикаст етказилса (меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиғига чалиниши ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши), етказилган зарарни иш берувчи тўла ҳажмда тўлаши шарт.

## ... ИШ БЕРУВЧИНИНГ АЙБИ БЎЛМАСА-ЧИ?

Зарар миқдорини тўлашда ходимнинг соғлиғига етказилган зарарнинг келиб чиқиш сабабларига эътибор берилди. Яъни, агар зарар бевосита иш берувчининг айби билан етказилган бўлса, у тўла миқдорда тўланади; агар жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги оқибатида келиб чиққан бўлса, зарар миқдори жабрланувчининг айби даражасига қараб белгиланади. Иш берувчи етказилган зарар учун ўзининг айбдор эмаслигини исботлаб берган тақдирда, у зарар тўловидан озод қилинади.

Башарти, зарар уни бартараф этиш мумкин бўлмаган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган хатти-ҳаракати оқибатида келиб чиққанлигини иш берувчи исботлаб беролмаса, у зарарни тўлайди.

Жабрланувчининг айб даражасини аниқлашда корхона касба уюшмаси қўмитасининг ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг берган хулосаси, бахтсиз ҳодиса ҳақида далолатнома, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа шу каби ҳужжатлар етказилган зарар учун айбдорлиқни белгилувчи ва жавобгарлиқни исботловчи далил бўлиши мумкин.

## ТЎЛАНДИГАН ЗАРАР МИҚДОРИ

Кўрилган зарарни тўлаш миқдори жабрланувчининг меҳнат жароҳати олгунга қадар оладиган иш ҳақида нисбатан фойзаларда, касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлигига қараб белгиланади. Бунда жабрланувчига — меҳнат жароҳати туфайли ногиронларга зарарни қоплаш учун тўланадиган пул Ўзбекистонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Ҳақиқий иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имкони бўлмаса, зарарни тўлаш миқдори зарарни тўлаш ҳақида мурожаат қилинган вақтда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади.

Етказилган зарар учун йўқотилган иш ҳақидан ташқари, жабрланувчига меҳнат жароҳати туфайли қилинган қўшимча харажатларни қоплаш ҳамда бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

«Иш жойида  
оғриб қолган хо-  
димларни даволаш-  
профилактика  
муассасаларига  
олиб бориш, зарур  
ҳолларда иш берув-  
чининг ҳисобидан  
амалга оширилади».  
(МКнинг 221-моддаси.)

## МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ҚАНДАЙ АНИҚЛОНАДИ?

Ходимнинг соғлиғини текширувдан ўтказиш иш берувчининг, бахтсиз ҳодиса юз берган корхона касбага уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар томонидан вакил қилинган ваколатли органининг, суднинг йўланмаси ёхуд жабрланувчининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда рўй берган бахтсиз ҳодисани тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берган аризаси ҳамда даволаш профилактика муассасасининг йўланмаси асосида даволаш меҳнат экспертиза комиссияси томонидан амалга оширилади.

ДМЭК ходимнинг касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлигини белгилаш билан бир вақтда, агар асослар мавжуд бўлса ногиронлиқнинг тегишли гуруҳи белгиланиши ҳамда жабрланувчининг қўшимча тур ёрдамларга муҳтожлиги ҳам аниқланиши мумкин.

## ҚЎШИМЧА ХАРАЖАТЛАРГА НИМАЛАР КИРАДИ?

Бунга — протезлаш, жабрланувчини парвариш қилиш, санаторий-курортда даволаниш, шунингдек даволаниш жойига бориш ва келиш йўл харажатлари, зарур ҳолларда эса жабрланувчини кузатиб борувчи шахснинг ҳам йўл харажатлари, махсус транспорт воситалари ва бошқаларни сотиб олиш учун (агар ДМЭК томонидан ерданнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган ва уларни тегишли ташкилотлардан текин олмаган тақдирда), шу билан бирга агар зарарни тўлаш бўйича низо келиб чиққанда ва низо жабрланувчи фойдасига ҳал бўлганда адвокат ёллаш учун қилинган харажатлар киради.

Бир йўла бериладиган нафақага эса бир йўла қопланадиган компенсация киради. Унинг миқдори жамoa шартномаси билан белгиланади ва у жабрланувчининг бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

## ХОДИМНИНГ АВВАЛГИ ИШИ СОҒЛИҒИГА ТЎҒРИ КЕЛМАСА...

Меҳнат жароҳати ходимга аввалги ишини бажаришида бирмунча қийинчиликлар келтириб чиқараётган бўлса, иш берувчи ходимнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки доимий ишларга ўтказиши шарт. Узининг розилиги билан вақтинча енгилроқ, кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган жабрланувчига меҳнатга лаёқати тиклангунга қадар ёки касб бўйича меҳнат лаёқати узок мuddатга ёки доимий йўқотилганлиги аниқлангунча жароҳатлангунга қадар олган ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган иш ҳақи тўла турилади.

Бошқа ишга ўтказиш зарурлиги, унинг давомийлик мuddати ва тавсия этилган иш тури даволаш меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосаси билан белгиланади.

Соғлиғига кўра вақтинча камроқ ҳақ тўланадиган бошқа ишга ўтказилган ходимга аввалги иш ҳақи билан янги иш ҳақи ўртасидаги фарқ тўланиши лозим. Бундай фарқ меҳнат қобилияти тиклангунга қадар ёки ногиронлик белгилангунга қадар тўланади.

Агар жабрланувчи меҳнат жароҳати туфайли аввалги ишини бажара олмаган тақдирда, иш берувчи ТМЭК хулосасига мувофиқ ўз ҳисобидан жабрланувчини бошқа касбга (профилигини олган ҳолда) ўқитишга мажбур. Янги касбга ўқитиш даврида унга аввалги ўртача ойлик иш ҳақи тўланади ва зарарни қоплаш суммасини тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Саҳифани хуқуқшунос  
Д.ХАЛИЛОВ  
тайёрлаган

## ЗАРАРНИ УНДИРИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Бунинг учун иш берувчига ариза билан мурожаат этиш лозим. Иш берувчи ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн кун мuddат ичида давоний кўриб чиқиб, зарарни тўлаш ёки тўлашни рад этиш тўғрисида ёзма равишда жавоб беради. Жавоб нусхаси у қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида ходим ёки бошқа манфаатдор шахсга топширилади.

Жавобдан қониқиб ҳосил қилинмаган тақдирда низо ни ҳал қилиш учун судга мурожаат этиш лозим.

Жабрланувчининг меҳнат жароҳати туфайли касб бўйича меҳнат лаёқатини йўқотганлиги бўйича зарарни ундириш тўғрисидаги ариза ҳодиса рўй берганидан ўн йил ўтганидан кейин берилган бўлса, зарар тўлови мурожаат қилинган кундан бошлаб амалга оширилади.

## ЗАРАР ТЎЛОВЧИ КОРХОНА ТУГАТИЛГАН БЎЛСА-ЧИ?

Агар зарар тўлови амалга оширилгунга қадар, тўловчи корхона тугатилган, қайта ташкил этилган (қўшилган, бирлашган, ажралиб чиққан ёки қайтадан тузилган) тақдирда зарар тўлови бўйича барча ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар унинг ҳуқуқий ворисига ўтади.

Тугатилган корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтмаганида корхона ўзининг тўловга қурби етмаслигини маълум қилиши ҳамда зарарга тегишли бўлган тўлов суммасини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий сугурта жамғармасига ўтказишга мажбур. Бу жамғарма жабрланган(лар)га зарар тўловини, жамғармага ўтказилган сумма доирасида, қонунда белгиланган миқдорда ижтимоий таъминот органлари орқали тўлайди.



# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАВАРЛАР ШАРҲЛАР

## АЙБЛОВЛАР РАД ЭТИЛДИ

Фаластиндаги "Халқ лашкарлари жабҳаси" гуруҳи Исроилнинг Кфар-Саба шаҳрида 22 апрелда содир этилган террорчилик ҳаракатини ўз бўйига олди. Бу хунрезликда яхудий фуқароларидан 2 киши ҳалок бўлган ва 50 га яқини ярдор бўлган эди.

Исроил бош вазири Ариэл Шарон дарҳол барча айбловларни Фаластин мухторияти зиммасига йўлади. Ўз навбатида Фаластин ҳукмати бу айбловларни рад этиб, мухторият тинч аҳолига нисбатан содир этилажак ҳар қандай хунрезликларни қўллаб-қувватламаслигини маълум қилган.

## АГУСАН-ДЕЛЬ-СЮРДАГИ КОТИЛЛИК

Душанба куни Филиппин полицияси сўл Миллий демократлар fronti жангарилари томонидан юқори даражали полиция зобити отиб ўлдирилганлиги ҳақида маълумот тарқатди. Хунрезлик машҳур Минданао оролида жойлашган Агусан-дель-Сюр шаҳрида юз берган. Ҳўтар қуролдан яраланган полициячи ўша ернинг ўзида жон берган.

## КАШМИРДА ПОРТЛАШ

Кашмир вилоятидаги портлаш оқибатида 13 киши қурбон бўлди. Улардан 8 нафари ҳинд ҳарбийлари эди. Полиция тарқатган хабарларга қараганда, Бандинара аҳоли пунктидаги мазкур портлаш ҳарбий автомобилнинг милага дуч келиши натижасида юз берган.



Ушбу суратда тасвирланган А 340-600 самолёти Франциянинг Blagnac аэропортидан синов машқларини ўтказиш учун ҳавога қўтарилди. 1600 соатлик парвозлар муваффақиятлик яқунланса, Airbus Industries компанияси томонидан тайёрланган 380 ўринли, дунёдаги энг катта мазкур ҳаво кемаси дастлабки тушган буюртмаларга кўра 167 та ишлаб чиқарилади.

## АНАРХИСТЛАР ТАШАББУСИ

Душанба куни Британиянинг The Times газетасида яна бир шовшувли мақола чоп этилди. Мақола муаллифи Даниел Макгроиннинг тасдиқлашича, мамлакатдаги анархистларнинг фаол гуруҳи 1 май куни Лондоннинг турли жойларида сохта террорчилик хужумларини уюштиришни режалаштирмоқда. Мақолада ёзилишича, ўша куни анархистларнинг Британия пойтахтидаги метрополитен ва авария хизмати ходимларини портлашлар ҳақидаги аноним хабарлар билан чалғитиш мақсадлари ҳам бор эди. Бу бебош ёшларнинг фикрича ушбу "ташаббус" Халқаро меҳнаткашлар бирдамлиги кунига ўзига хос совға бўлади.

## УРАНЧИЛАР СУДГА ТОРТИЛДИ

Япониядаги уран ишлаб чиқарувчи компаниялардан бири ва унинг олти нафар ходими вази фасига масъулиятсизлик билан ёндошганликда айбланиб, судга тортилдилар. Душанба куни Мито ҳудудий суди бу ишни кўриб чиқди. Маълум бўлишича, Токиодан 140 чақирим узоқликда жойлашган Токаи Муредаги заводлардан бирида ишга совуққонлик билан ёндошилганлик сабаб икки нафар ишчи фожеали ҳалок бўлган. Воқеа 1999 йилнинг сентябрида содир бўлган эди. Ишчилар қондаги хилоф тарзда уран реакторига ортиқча миқдор «ёнилги» юклаган ва оқибатда радиация миқдори ошиб кетган.

## БАЛИҚЧИЛАР ҚУТҚАРИЛДИ

Бундан тўрт кун аввал Сахалин вилоятидаги Таранка дарёсига моторли қайиқда балиқ овиға чиққан беш кишининг бедарак йўқолганлиги ҳақида хабар тарқалганди. Кеча қидирувға чиққан қутқарувчилар МИ-8 вертолети ёрдамида йўқолган балиқчиларни топишға муваффақ бўлдилар. Ҳозирда қутқарилганлар Поронайск шаҳрига жойлаштирилган. Маълумотларга қараганда, улар ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

## «САБАБИНИ ТУШУНОЛМАЯПМИЗ»

Шарқий европалик бир гуруҳ сисатдонлар Европа тараққиёт ва қайта тиклаш банки фаолиятига кескин танқидий ёндошмоқдалар.

Маълумки, мазкур банк дунё мамлакатларига иқтисодий эҳтиётдан кўмак бериб келмоқда. Банк фаолиятидаги янги қоидаға мувофиқ, банкнинг иш юритиш хужжатларида фақатгина инглиз тилидан фойдаланилади, 20 мамлакатнинг 190 дан зиёд вакили айнан мана шу ҳолатға қарши ўз тилларида ёзма норозилик билдиришди.

"Биз Шарқий Европа халқлари нима сабабдан хужжатларни ўз она тилларида ўқиши мумкин эмаслигиға тушунолмаяпмиз", деб баёнот берди Латвия вакили Альда Озола.



Фаластинда қўча тўқнашувлари оdatий ҳолға айланиб қолди.

## УНИ БУТУН АФРИКА ТАНИЙДИ

Жанубий Африка республикаси фуқароси Гејр Жонсон репортёрларға уйини ўғри урганини, ўғрилар уйдаги ҳамма қимматбаҳо хиҳозлар ва пулларни ўмариб кетганини батафсил, оқизмай-томизмай айтиб берди. Бир аёлнинг уйини ўғри урган бўлса, уни дунёға дoston қилишдан журналистларға нима наф?

Гап шундаки, бу аёл — Гејр Жонсон бутун Африканинг қайғули тимсолиға айланган 12 ёшли Ниози Жонсоннинг ўғай онасидир. 12 ёшли Ниози Жонсон СПИД хасталигиға чалинган минглаб жанубликлардан бири. Унинг ЖАР президентиға ёзган очик хати матбуотда эълон қилинганда бутун мамлакат аҳолиси кўзида ёш қалқиган эди. У хатида президентдан ВИЧ эпидемиясига қарши курашни кучайтиришни, африкалик болаларни XX аср вабосидан сақлаб қолишни ўтиниб сўраганди. 2000 йилда у Жанубий Африка телеканалларининг доимий қахрамониға айланган эди. Ниози шахсан Нельсон Мандела билан учрашган. Уни бутун Африка танийди. Ҳозирда Ниози Жонсоннинг аҳоли оғир, бедаво дард уни бир неча ойдан буён тўшакка миҳлаб кўйган.

## ТЕМИР «АЙҒОҚЧИ»

Америка Қўшма Штатларнинг ХХКea тешиши Global Hock деб номланувчи учувчисиз бошқариладиган айғоқчи самолёти Калифорниядаги ҳарбий базадан Австралия сари уширлиди. Ушбу синов тариқасидаги учуши 22,5 соат давом этиши ва "ўзи учар" самолёт Австралия ҳарбий базаларидан бириға бориб қўниши мўлжалланган. Оралик масофа 13,8 миң километри ташкил этади.

Global Hockнинг улкан қанотлари Boeing-737 нинг қанотлари билан тенглашади. Бу самолёт ҳавода 36 соат айғоқчилик қилиб, изгиб юриш имкониятиға эға, бунға самолёт вазнининг 60 фоизини ташкил қиладиган миқдордаги ёнилги захираси кўмак беради.

## ЯНА БИР «САМОЛЁТ МОЖАРОСИ»

Перу ва АҚШ ўртасида ҳам "самолёт можароси"нинг бошқачароқ кўриниши юз берди. Ҳаводаги ҳалокатдан оман қолган АҚШлик миссионерлар кеча ўз юрталарига қайтиб кетишди. Улар ўзлари билан Вероники Боуэрс ва унинг 7 ойлик қизчаси жасодини ҳам ўз ватаниға олиб қайтишди. Фожеанинг қисқача баёни шундай: АҚШға қарашли яккамоторли Sessna самолёти Перу осмонида Перу ХХК га қарошли кирувчи самолёт ёрдамида уриб туширилган.

Натижада 2 нафар инсон қурбон бўлди. Америкалик учувчи оғир жароҳатланди. Перу мудофаа вазирлиги самолёт Перу ХХК томонидан учувчи дарҳол кўниш ҳақидаги буйруқни бажармағача, уриб туширилганини ҳақида баёнот берган. Ўз навбатида америкалик учувчи хужум ҳеч бир оғохлантиришсиз содир этилганлигини маълум қилди.



БМТнинг Инсон ҳуқуқлари буйича комиссияси СПИД хасталиги кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида Бразилия ҳукмати томонидан амалға оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлади. БМТ мутахассисларида, айниқса ушбу мамлакатнинг ўзида СПИД хасталигиға қарши тайёрланаётган эмлорилар катта қизиктиш уйғотган. Шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Бразилия СПИД ёки таносил хасталикларига чалинган беморларни бепул даволувчи «учинчи дунёда»ги ягона давлатдир.

## МАРСЕЛ, ТУЛУЗАДА ОММАВИЙ НАМОЙИШЛАР

Душанба куни Франциянинг бир неча йирик шаҳарларида жамоат транспорти воситалари — автобус, трамвай, метро ва шаҳар атрофиға қатновчи поездлар тўхтатиб қўйилди. Бу ҳол Марсел, Тулуза, Страсбург, Ницца ва яна бошқа шаҳарларда юз берди ҳамда шаҳар аҳолисига бироз нокулайликлар туғдирди. Тасаввур қилинг, эрта тондан шаҳарда бирорта жамоат транспорти фаолият кўрсатмаса.

Гап шундаки, мазкур соҳа меҳнаткашлари ўз норозилиklarини оммавий иш ташлаш орқали билдирдилар. Уларнинг бундай йўли тутишиға меҳнат кодексига киритилган ўзгаришлар сабаб бўлмоқда.

